



Yevropa Ittifoqi tomonidan  
moliyalashtiriladi



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO'JALIGI  
VAZIRLIGI



# АХБОРОТНОМА

ОКТАБРЬ, 2022  
1-СОН



## Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳа

2021 йилнинг 3 декабрь куни, БМТ Тараққиёт Дастури, Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг яшил иқтисодиётга инклюзив ўтишини қўллаб қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион тизимини ривожлантириш (EU-AGRIN)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳужжат имзоланди. (давоми кейинги бетда)

### УШБУ СОНДА:

- ЯНГИ EU-AGRIN ЛОЙИҲАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ
- ВИЛОЯТЛАРДАГИ АКИС МАРКАЗЛАРИДАГИ ТАҚДИМОТ
- ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ УЧУН ТРЕНИНГ
- БАХРИНОСО ОПАНИНГ ҲИКОЯСИ
- 2-ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОРУМИ
- ФОЙДАЛИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ
- ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИГА ТАШРИФ
- ЛОЙИҲАНИНГ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

2 OCHLIKKA  
BARHAM BERISH



5 GENDER  
TENLIGI



6 TOZA SUV VA  
SANITARIYA



8 MUNOSIB ISH  
O'RINLARI VA  
IQTISODIY O'SISH



13 IQLIM O'ZGARISHIGA  
QARSHI KURASHISH



15 QURUQLIKDAGI  
EKOTIZIMLARINI  
ASRASH



17 BARQAROR  
RIVOJLANISH  
YO'LIDA HAMKORLIK



## ЛОЙИХАНИНГ НАМУНАВИЙ ҲУДУДЛАРИ



**Лойиҳа бюджети:** 4.150.000 Евро,



Лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан  
молиялаштирилади

**Лойиҳа давомийлиги:**

Сентябрь 2021 - Сентябрь 2025

**Лойиҳанинг намунавий ҳудудлари:**

Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона  
вилоятлари

**Лойиҳа ҳамкорлари:**

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
- Инновацион ривожланиш вазирлиги
- Сув хўжалиги вазирлиги
- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
- Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
- Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси
- Фермерлар кенгаши
- Илмий-тадқиқот институтлари
- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
- Вилоят ва туман ҳокимликлари



### Лойиҳанинг асосий мақсадлари:

1. Ўзбекистон ҳукуматига қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи соҳаларга яшил инвестицияларни жалб қилишга қаратилган сиёсатни ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уни босқичма-босқич амалга оширишда кўмаклашиш.
2. Маҳаллий билим ва салоҳиятни сафарбар этишда, фермерлар ва агробизнеснинг жорий ва келажақдаги эҳтиёжларини қондириш учун иқлимга асосланган инвестицияларни кенгайтириш, давлат ва хусусий молиялаштиришни жалб қилиш шунингдек, қишлоқ аҳолисининг иқлимга чидамли хўжалик юритиш манбаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторида инновациялар ва воситачилик (АКИСга интеграциялашган) хизматлари” ни ташкил этиш.
3. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва таъсирларни юмшатиш амалиётларини, агар керак бўлса, СОВИД-19 таъсиридан трансформацион тикланишни яшил усулларини синовдан ўтказиш, “фермер хўжалиги даражасида” инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш ва намоёйиш этишда, кичик ва оилавий фермер хўжаликлари, деҳқон кооперативлари ва агросаноат тармоғининг микрофирмаларини қамраб олиш.





## Лойиҳа ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши

**2021 йил 29 октябр** куни бўлиб ўтган йиғилишда 4 йил давом этадиган лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, бошқарув усуллари муҳокама қилинди. Манфаатдор томонларнинг ўрни, масъулияти ва мажбуриятлари, ҳисобот бериш ва мулоқот қилиш тартиблари келишиб олинди.

---

*Лойиҳа доирасида мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча иштирокчиларининг институционал салоҳиятини ошириш ҳамда Европа институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилган.*

---

Таъкидлаш жоизки, 2019-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг қабул қилиниши, иқлим ўзгариши масалаларини миллий сиёсатнинг барча йўналишларига киритиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Янги ташкил этилган лойиҳа эса, мазкур стратегияни қўллаб-қувватлаш йўлида, фермер хўжаликлари даражасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, оилавий фермер хўжаликлари фаолиятини жонлантириш, самарали фаолият юритувчи кооперациялар ва микро-агробизнесни ривожлантиришга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Бу эса, инновацион лойиҳаларни иқлим ўзгаришига мослашиши, қолаверса, СОВИД-19 дан кейинги яшил тикланиш йўлларини синовдан ўтказишга замин яратади.



## Тошкент вилоятидаги AKIS агрохизматлар миллий марказида лойиҳамиз тақдимотини ўтказдик

Тошкент вилоятидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ҳамда AKIS маркази ходимлари иштирокида лойиҳамизнинг устувор мақсади ва вазифалари тақдимоти бағишланган учрашув ўтказдик.

Учрашувда EU-AGRIN лойиҳаси доирасида қуйида келтирилган йўналишлар орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди:

- Қишлоқ хўжалигига яшил инвестицияларни жалб қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда қўмаклашиш;
- Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторида инновациялар ва воситачилик хизматларини ташкил этиш;
- Кичик ва оилавий фермер хўжаликлари, деҳқон кооперативлари ва агросаноат тармоғининг микрофирмалари томонидан иқлим ўзгаришига мослашган инновацион лойиҳаларни синовдан ўтказиш орқали амалга ошириш.



Учрашувда шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги долзарб муаммоларни лойиҳа доирасида ҳал этиш ва ушбу соҳани янги босқичга кўтариш имкониятлари муҳокама қилинди.



## Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш учун иқлим ўзгаришига қарши қандай курашиш мумкин?

Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб боровчиларга лойиҳани таништириш билан бирга “Иқлим ўзгаришига мослашувчан қишлоқ хўжалиги” ҳақида тақдимот ўтказилди.

Йиғилганларга БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий Конвенцияси ва уни ҳал этишнинг иккита асосий йўналиши, яъни атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш ҳамда кузатилаётган ва кутилаётган иқлим ўзгаришларига мослашиш бугунги куннинг муҳим талаби экани маълум қилинди. Ҳавода карбонат ангидрид гази кўпайиши ва “иссиқхона эффекти” натижасида ўсимликларни ҳимоялаш, ўғитлаш ва гулнинг чангланиб мева тугишидаги мураккабликларнинг ҳусусидаги маълумотлар билан таништирилди.

Дунё иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳаводаги карбонат ангидрид миқдорини камайтирувчи яшил технологияларни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Буғдой ва ғўза инсониятга ҳаводаги карбонат ангидридни камайтиришда ёрдам берадиган олти та ўсимлик қаторига киришини инobatга олсак, унинг юртимиздаги асосий майдонларга экилиши, яшил иқтисодиётга катта улуш қўшиши билан баҳоланади.

Лойиҳа доирасида ана шундай экинларни инновацион етиштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилди.



## Жиззах вилоятининг AKIS агрохизматлар миллий марказида лойиҳа тақдимоти ўтказилди

Жиззах вилояти лойиҳанинг намунавий ҳудудига киритилмаган бўлсада, вилоят АКИС агрохизматлар миллий маркази ходимлари таклифига биноан, Жиззах вилоятидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ва вилоят агрохизматлар миллий маркази ходимлари билан учрашув ташкил қилинди.


Учрашув давомида лойиҳамизнинг устувор мақсади ва вазифалари ҳақида тақдимот ўтказилди.

Иштирокчилар лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мос инновацион усулларни қўллаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан илмий-тадқиқот институтлари вакилларининг ҳамкорликдаги инновацион ғояларни ишлаб чиқиши ва уни амалда синовдан ўтказиши ҳақидаги фаолиятга катта қизиқиш билдиришди.

Қизғин мулоқот давомида, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишдаги муаммолар, агро хизматлар фаолияти самарадорлигига эришишдаги тўсиқ ва камчиликлар ва бошқа масалалар бўйича таклифлар берилди.







## Қашқадарё вилоятида лойиҳамиз тақдимоти ўтказилди

Лойиҳанинг намунавий ҳудуди ҳисобланмиш Қашқадарё вилоятида ҳам лойиҳа тақдимоти ўтказилди. Унда вилоятдаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, илмий-тадқиқот институтларининг тажриба станциялари вакиллари ҳамда вилоят агрохизматлар миллий маркази ходимлари иштирок этди.

Қашқадарё вилоятида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги каби ер ресурсларидан лалмикор деҳқончиликда фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Қашқадарё ҳавзасининг юқори ва ўрта қисми рельефи бирмунча қулай тоғолди ва тоғ этаклари текисликларида, оқар сувлар кам бўлган майдонларда лалмикор бўз тупроқли ерлардан иборат. Бироқ иқлим ўзгариши ушбу қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабаб, ушбу ҳудудларда иқлим ўзгаришига мос инновацион тадбирларнинг амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада лойиҳа доирасида илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини таъминлаш орқали янги инновацион ғояларни синовдан ўтказилиши ҳақида маълумот берилди.





“EU-AGRIN” loyihasi doirasida, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси томонидан Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 164 нафар қишлоқ аёллари учун шахсий ёрдамчи хўжаликларда сигирларни тўғри парваришлаш, соғлом насл олиш, маҳсулдорликни ошириш ва сутни кооперация асосида қайта ишлашни ташкил этишга қаратилган олти та семинар-тренинг ташкил қилинди.



*“Бизнинг асосий мақсадимиз, аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва гендер тенглигини таъминлашдир. Бу борада Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган БМТ Тараққиёт дастурининг “EU-AGRIN” loyihasi кўмағида, келгусида қишлоқ аёлларини жамлаб кооперациялар ташкил этишни, шу орқали тумандаги аёлларнинг иқтисодий шароитининг яхшиланиши ва озиқ-овқат маҳсулдорлигининг ортишига эришамиз”.*



*Адиба Ахмеджоновна,  
Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси  
раиси*

# EU-AGRIN

## ЛОЙИХАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ (РАҚАМЛАРДА)

**12** Тошкент, Фарғона ва  
Қашқадарё вилоятларида  
Инновацион гуруҳлар  
шакллантирилмоқда

**76** Хорижий ва миллий ҳамкорлар  
ва манфаатдор ташкилотлар  
билан учрашувлар ўтказилди

**20** Илмий-тадқиқот институтлари ва  
Олий ва ўрта-махсус ўқув  
юртлари билан ҳамкорлик йўлга  
қўйилди

**9** Лойиҳанинг манфаатдор томонлари  
учун халқаро ва миллий экспертлар  
иштирокида семинар-тренинглар  
ташkil этилди

**514** Лойиҳа давомида ташкил  
этилган семинар-тренинг-  
ларида иштирок этганлар сони

**278** Лойиҳанинг семинар-тренинг-  
ларида иштирок этганлар  
аёллар сони

**73** Лойиҳа фаолияти тўғрисида  
чоп этилган ОАВдаги  
чиқишлар сони



# Баҳринисо НОРТАЕВА

*“Энди қишлоқ аёллари  
кооперациясини тузаман!”*



Қишлоқ аёллари жамиятда алоҳида ўрин эгаллайди. Улар қишлоқ хўжалигини ривожланишига, энг асосийси, ўз оилаларининг молиявий ва ижтимоий аҳволини яхшиланишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиғи шахсий-ёрдамчи хўжаликларига тўғри келиб, унда сут ишлаб чиқариш алоҳида аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани тупроқ-иқлим шароити чорвачиликка мос бўлгани сабаб, у ердаги аҳоли асосан чорва молларини парваришlash ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Шу сабаб, туманда сут ва ғўшт ишлаб чиқариш ҳажмлари йил сайин ортиб бормоқда.

Баҳринисо опа Оҳангарон туманида истиқомат қилади. У 30 йилдан буён хонадонидида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Унинг таъкидлашича, бир дона сигир 3-4 кишидан иборат оиланинг ижтимоий аҳволини яхшилашга хизматга қилади.



“Биринчи сигиримни кенжа фарзандим учун берилган декрет пулига олганмиз. Ўша пайт турмуш ўртоғим бозорга тушиб зотдор сигирни олиб келган. Сигиримиз сутининг оиладан ортганини сотиб келиб уйга рўзгор қилардим. Турмуш ўртоғим эса ўз ойлигини уй қурилиши ва таъмирлашга сарфларди. Сигиримиз оила рўзгорини тебратишга ёрдам берарди. Ҳозирда сигирларим сони 3 та етди - дейди Баҳринисо опа Нартаева.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган, БМТТДнинг EU-AGRIN лойиҳаси доирасида, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларда сигирларни тўғри парваришlash, соғлом насл олиш, маҳсулдорликни ошириш ва етиштирилган сутни кооперация асосида қайта ишлашни ташкил этишга қаратилган амалий семинарда қатнашгани, Баҳринисо опани янги ғояларни амалга оширишга ундади.



У қишлоғидаги аёлларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида сифатли сут маҳсулотларини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

“Семинар-тренингда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, кооперация ташкил этиб, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш йўллари билан боғлиқ билим кўникмаларимни оширдим. Шунингдек, қорамолларни парвариш қилиш бўйича фойдали маслаҳатларга эга бўлдим. Энди қишлоқ аёллари кооперациясини тузиш бўйича ҳаракатимни бошлаб юбордим” - дейди Баҳринисо опа.

БМТТДнинг EU-AGRIN лойиҳаси томонидан Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида Оҳангарон туманида бундай кооперацияни ташкил этиш учун амалий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилмоқда.





# Ўзбекистон ривожланиш йўлида: қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотларини трансформация қилиш” мавзусидаги 2-Миллий Форуми

1-2 июнь кунлари Тошкент шаҳрида республикадаги илмий-тадқиқот ва бошқарув институтлари вакиллари, қишлоқ хўжалиги иштирокчилари учун “Ўзбекистон ривожланиш йўлида: қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тадқиқотларини трансформация қилиш” мавзусидаги 2-Миллий Форум бўлиб ўтди.

Биринчи кун Форум иштирокчилари қуйидаги йўналишларда қатнашдилар: "Озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқланиш", "Барқарор сув, ер бошқаруви ва иқлим ўзгариши" ҳамда "Қўшимча қиймат занжирлари, экспорт-импорт ва бозорлар". Форумда шунингдек, тадқиқотлар олиб боришдан кутилаётган натижалар ва уларга эришиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди.





Биринчи гуруҳ томонидан барқарор сув ва ер бошқаруви, иқлим ўзгариши тадқиқотларини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, энергия ва табиий ресурсларни тежовчи агро-смарт технологик воситаларни ишлаб чиқиш, комбинацияланган агрегатлардан фойдаланишга доир таклифлар илгари сурилди.

Иккинчи гуруҳ иштирокчилари томонидан озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва озиқланиш йўналишида тадқиқотларни ривожлантиришдан кутилаётган асосий натижалардан бири сифатида озиқ-овқат маҳсулотларининг узоқ муддатли барқарорлигига эришиш зарурлиги белгиланди.

Ушбу мақсад йўлида озиқ-овқат товарларининг барча учун мувофиқ нархда ва етарли энергетик қувватга эга бўлишини таъминлаш каби вазифалар устувор деб топилди.

Учинчи гуруҳ иштирокчилари қўшимча қиймат занжирлари, экспорт-импорт, озиқ-овқат маҳсулотларини патентланиши, муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси, ишлаб чиқариш стандартларини татбиқ этиш каби жараёнларга эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

Форумнинг иккинчи куни муҳокама ва баҳсларга бой бўлди. Хусусан, аграр соҳа тадқиқотчилари ва ишлаб чиқарувчиларидан иборат гуруҳлар томонидан биринчи кунда эришилган натижалар юзасидан тақдимотлар уюштирилди.

Форум якунида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида миллий стратегия мақсадларига эришиш учун, илм-фан ва инновациялардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият эга эканлиги алоҳида таъкидланди.





## EU-AGRIN лойиҳасининг устувор мақсадларига бағишланган ўқув семинари

Жорий йилнинг 13 июл куни “EU-AGRIN” лойиҳасининг устувор мақсадларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди. Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги агрохизматлар марказлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг вилоятлардаги илмий-тажриба станциялари, маҳаллий қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этдилар.

Даставвал, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган EU-AGRIN лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида тушунчалар берилди.



Семинарни лойиҳанинг халқаро маслаҳатчиси, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича 40 йиллик тажрибага эга булган Буюк Британиялик мутахассис Дэвид Кахан олиб борди. У дастлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хизмат қилувчи “Инновацион гуруҳлар” тушунчаси, ушбу гуруҳ ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш каби масалалар хусусида тақдимот ўтказди.



Дэвид Кахан ўз тақдимотида, “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, рақобатбардош ва иқтисодий ўсишида инновацияларнинг ўрни беқиёслиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди. Фермерлар ўз имконияти ва кучига таянган ҳолда, хўжаликларни бизнес каби бошқаришлари, етарли билим ва кўникмага эга бўлиб, турли ҳавфларга ечим топа олишлари кераклиги маълум қилинди. У ўз чиқишларида инновацияларни қўллашда хусусий сектор билан самарали алоқалар алоҳида ўрин тутиши ва бу алоқаларни ўрнатишда инновациялар бўйича мутахассислар кераклигини қайд этди.





*“Лойиҳанинг асосий мақсади илм-фан, тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Айнан шу мақсадда, лойиҳамиз Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, фермер, деҳқон хўжаликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат ва хусусий сектор ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади”.*

Улуғбек Исламов, “EU-AGRIN” лойиҳасининг миллий координатори





# EU-AGRIN лойиҳаси Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигида инновацион тизимни ривожлантиришга қаратилган иш режасини тақдим этди

Жорий йилнинг 14 июль куни, БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳамкорликдаги “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг “яшил иқтисодиёт”га инклюзив ўтишини қўллаб қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион тизимини ривожлантириш (EU-AGRIN)” лойиҳасининг бир йиллик иш режасининг муҳокамасига бағишланган бошланғич амалий семинари ўтказилди.

Тадбирда лойиҳанинг 1-йилга режалаштирилган фаолияти тақдимот қилинди. Бунда миллий ва хорижий ҳамкор ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ўқув муассасалари ҳамда Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги АКИС агрохизматлар марказлари билан уюштирилган учрашувларда кўтарилган масалалар, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммо ва камчиликларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар эътиборга олинди.

Тадбир иштирокчилари лойиҳанинг 1 йиллик иш режасини ижобий баҳолаб, чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамкорликни давом эттириш истагини билдиришди.

Тадбирда халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирликлар, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги агрохизматлар марказлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг вилоятлардаги илмий-тажриба станциялари, маҳаллий қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва профессионал таълим муассасалари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этди.







Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун намунавий ҳудудлар сифатида белгиланган Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди.

EU-AGRIN лойиҳасининг асосий мақсади, Ўзбекистон ҳукуматида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи соҳаларга яшил инвестицияларни жалб қилишга қаратилган сиёсатни ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уни босқичма-босқич амалга оширишда кўмаклаш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг иқлимга чидамли хўжалик юритиш манбаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторида инновациялар ва воситачилик хизматлари”ни ташкил этишдан иборатдир.





# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Лойиҳа доирасида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Зангиота агротехнологиялар техникуми, “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси, Тошкент вилояти агрохизматлар маркази, маҳаллий фермерлар ва бошқалар билан “Инновацион гуруҳ”ларни шакллантириш мақсадида қатор учрашувлар ташкил этилди.

Ўтказилган учрашувлар натижасида Тошкент вилоятида серхосил, эртапишар, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли пахта навларини яратиш ва етиштириш, турли тупроқ ва иқлим шароитларига мослаштирилиб яратилган мева навларини амалиётга тадбиқ этиш, уй хўжаликларида иқлимга мос чорвачиликни юритиш орқали сут маҳсулдорлигини ошириш амалиётини синовдан ўтказиш ҳамда сабзавот экинларининг миллий навларини кўпайтиришга қаратилган 4 та инновацион гуруҳлар шакллантирилди.

Ҳар бир инновацион гуруҳ илмий тадқиқот институти, ўрта махсус ўқув юрти, фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркор ва ҳудудий АКИС маркази вакилларида иборат бўлиши қайд этилди. Ушбу гуруҳларнинг бошқаруви илмий-тадқиқот институтлари томонидан амалга оширилиши келишилди.





## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ҳамкор ташкилотлар билан учрашувлар Фарғона вилоятида ҳам давом эттирилди. Лойиҳа ходимларининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида дастлаб Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтларининг Фарғона вилоятида жойлашган илмий-тажриба станциялари ходимлари билан учрашувлари ўтказилди. Бунда ходимларнинг илмий салоҳияти ва станциядаги мавжуд шароитлар кўздан кечирилди.

Кейинги учрашувлар Бешариқ туман касб-хунар колледжиди, Қува туманидаги “FRUITS BREND CLUSTER”да ҳамда Фарғона вилояти агрохизматлар маркази вакиллари билан ўтказилди.

Учрашувлар давомида Фарғона вилоятида амалга оширилиши мумкин бўлган инновацион лойиҳалар ҳақида фикр алмашилди.

Ўтказилган учрашувлар натижасида Фарғона вилоятида иқлим ўзгаришига, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли серхосил ва эртапишар, пахта навларини яратиш ва етиштириш, маҳаллий иқлимга мослаштирилган турли балиқ турларини кўпайтиришни ривожлантириш ва махсус ишланган органик ўғитлардан фойдаланган ҳолда интенсив етиштириладиган дон-дуккакли экин навларини жорий этиш бўйича инновацион гуруҳлар шакллантирилиши маълум бўлди. Инновацион гуруҳлар фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган илмий лабораториялар учун зарур асбоб-ускуналар лойиҳа ҳисобидан таъминлашига келишиб олинди.







## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ҳамкор ташкилотлар билан учрашув Қашқадарё вилоятида ҳам амалга оширилди. Биринчи учрашув Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтди. Унда институт ходимлари вилоятда буғдойнинг қаттиқ навини етиштиришга эҳтиёж юқори экани, шу орқали ички бозорни маҳаллий сифатли макарон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадга мувофиқ эканини билдиришди. Ушбу ғояни инновацион гуруҳда амалга ошириш таклифи берилди.

Шунингдек, Чорвачилик ва паррандачилик, Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтларининг Қашқадарё илмий-тажриба станциялари ходимлари ҳамда Қашқадарё вилояти агрохизматлар маркази вакиллари билан “Инновацион гуруҳ”ларни шакллантириш масаласида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилоятида сифатли ун маҳсулотлари учун буғдойнинг эртапишар ва жанубий иқлимга мослашган қаттиқ навларини етиштириш, ҳисори қўйлар турини кўпайтириш, полиз экинларининг иқлимга мос маҳаллий навларини яратиш ҳамда мураккаб мелиоратив ҳолат бўлган ҳудудларда янги интенсив боғларни барпо қилишга қаратилган 4 та инновацион гуруҳ фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилди.

Ҳар бир Инновацион гуруҳ илмий тадқиқот институтлари, ўрта махсус ўқув юртлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркор ва ҳудудий АКИС маркази вакиллари билан иборат бўлади. Ушбу гуруҳ аъзолари илмий тадқиқотларни амалда синовдан ўтказиб, ижобий натижаларни қолган ҳудудларга татбиқ қилишга замин яратадилар.





# ИННОВАЦИОН ГУРУХЛАР УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Жорий йилнинг 19-20 август кунлари Тошкент шаҳрида EU-AGRIN лойиҳаси доирасида ташкил этилган “Инновацион гуруҳ”лар фаолиятини самарали йўлга қўйишга қаратилган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг вилоятлардаги илмий-тажриба станциялари, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоят-ларидаги агрохизматлар марказлари, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ўрта-махсус таълим муассасалари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этдилар.

Семинар давомида иштирокчилар озиқ-овқатлар йўналишида халқаро стандартларни жорий этишнинг аҳамияти, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашишнинг долзарб масалаларига бағишланган тақдимотлар орқали фойдали маълумотларга эга бўлдилар. Инновацион гуруҳлар лойиҳалари мавзусини аниқлаш ва лойиҳаларни шакллантириш тартибига бағишланган амалий машғулотлар ёрдамида инновацион ғояни лойиҳага айлантириш бўйича билим ва кўникмалар оширилди. EU-AGRIN лойиҳаси томонидан тақдим этиладиган грант маблағларига эга бўлишнинг мезон ва шартлари ҳақида маълумотлар берилди.







Таъкидлаш лозимки, Инновацион гуруҳлар қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиб, унинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган илмий-амалий ечимга эга инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Ушбу гуруҳ таркиби фермер, деҳқон хўжаликлари, тадқиқотчилар, агробизнес вакиллари, тадбиркорлар ва ташкилот вакилларида иборат бўлиши мумкин. Улар турли муаммо ва камчиликларни жамоавий тадқиқотлар олиб бориш орқали бартараф этишга қаратилган инновацион ечим ва ёндашувдан иборат лойиҳаларни ишлаб чиқади ва амалга оширадilar

Инновацион гуруҳларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигидаги имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш ҳамда мавжуд муаммоларни илм-фан ва тадқиқот билан хизмат кўрсатиш тизимининг ўзаро интеграцияси ёрдамида бартараф этишдан иборатдир.

Тадбирнинг иккинчи кунида 12 та инновацион гуруҳлар томонидан режалаштирилаётган лойиҳалар тақдироти иштирокчилар томонидан муҳокама қилинди. Ҳар бир лойиҳанинг фаолияти давомида учраши мумкин бўлган тўсиқлари, муаммо ва камчиликларини бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар, қўшимча таклиф ва тавсиялар билдирилди.



# EU-AGRIN ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИННОВАЦИОН ГУРУХЛАР ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЛОЙИХА МАВЗУЛАРИ

1. Тошкент вилояти шароитида токнинг пайвандтаг ва пайвандустларини in vitro шароитида кўпайтириш ҳамда кўчат етиштириш технологиясини жорий этиш.
2. Қорамолчиликни инновацион усулда ривожлантириш ва иқлим ўзгаришига мослаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш ва қўшимча қиймат занжирини яратиш орқали қишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини юксалтириш.
3. Ёзанинг истиқболли “С-6560” навининг наводорлик талабларига мос уруғларини етиштиришда замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий қилиш.
4. Ресурс тежамкор технологиялари асосида ноанъанавий сабзавот экинларидан бамия ва артишок турларини истиқболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш.
5. Фарғона вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос янги С-8296 ва С-6570 ёза навларини, сув ва ресурстежамкор технологияларни ҳамда зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш чораларини жорий этиш.
6. Фарғона вилояти шароитида ресурс тежамкор инновацион технологиялар ёрдамида дуқаклик дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш.
7. Олманинг “Сўх маликаси” ҳамда беҳининг “Олмабеҳи” навлари кўчатчилиги ва она боғларини ташкил қилиш ҳамда фермер хўжаликларига жорий қилиш.
8. Баликчилик тармоғида илмий ёндашув асосида инновацияларни жорий этиш ва интенсив усулда балиқ етиштириш.
9. Қашқадарё вилоятида тупроқ-иқлим ўзгаришига мос картошка навларини вируссиз бирламчи уруғчилигини ташкил этишда инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.
10. Қашқадарё вилоятида тупроқ-иқлим ўзгаришига мос картошка навларини вируссиз бирламчи уруғчилигини ташкил этишда инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.
11. Янги яратилган қаттиқ буғдой навларининг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва макарон саноати талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.
12. Ҳисор зотли қўйларни генофондини сақлаб қолиш ва уларни гўшт маҳсулдорлигини оширишда янги технологияларни жорий этиш